

АБДУРАҲМОНОВ Яҳё Убайдуллоҳ ўғли
Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги
«Вақф» хайрия жамоат фонди бошқарув
раҳбари

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАҚФ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАР

ВАҚФ В УЗБЕКИСТАНЕ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ

WAKF IN UZBEKISTAN: HISTORY AND MODERN INTERPRETATIONS

Annotation. This article focuses on the emergence of waqf property in the history of the Republic of Uzbekistan, including the entry, development, history and current activities of waqfs of Islamic values in the territory of Mawarannahr. There is also talk about the management, formation and end of the property of waqfs during the emirate and khanate period after the Russian invasion.

Keywords: Waqf, waqfnoma, waqf property, madrasa, mosque, reading room, emirate, khanate, Bukhara, Kokand, Temurids.

Аннотация. Данная статья посвящена возникновению вакфов в истории Республики Узбекистан, включая возникновение, развитие, историю и текущую деятельность вакфов исламских ценностей на территории Мавараннахра. Также говорят об отчуждении, формировании и прекращении собственности вакфов в период эмирата и ханства после российского вторжения.

Ключевые слова: вакф, вакфнома, вакфная собственность, медресе, мечеть, читальный зал, эмират, ханство, Бухара, Коканд, Темуриды.

Аннотация. Ушбу мақолада асосий эътибор Ўзбекистон республикаси тарихида мавжуд бўлган вақф мулкчилигининг пайдо бўлиши, жумладан, Мовароуннаҳр ҳудудига ислом қадриятларидан ҳисобланган вақфнинг кириб келиши, ривожланиши, тарихи ҳамда бугунги кундаги фаолияти ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, амирлик ва хонликлар давридаги вақф мулкларининг тасарруфи, шаклланиши ҳамда руслар босқинидан кейинги ҳолати яъни тугатилиши хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Вақф, вақфнома, вақф мулки, мадраса, масжид, қироатхона, амирлик, хонлик, Бухоро, Қўқон, Темурийлар.

КИРИШ

Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, инсонларга яхшилик қилиш миллатимизга хос бўлган азалий қадриятларимиздан саналади. Зеро, динимизда ҳақдорларга эҳсон қилиш Исломнинг 5 устунидан бири сифатида жорий этилган.

Аждодларимиз ҳалол касб-хунар сабаб орттирган бойликларининг бир қисmini ёки аксариятини мусулмонларга манфаат келтирувчи соҳаларга йўналтириб вақф қилишган. Бундай вақфлар токи ватанимиз Чор Россияси томонидан истило қилингунга қадар узликсиз фаолият олиб борган. Шу ўринда савол туғилиди: хўш вақф ўзи нима ва у қандай таркиб топади?

“Вақф” сўзи луғатларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларида келади. Вақфнинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар билдирилган. “Вақф - нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир”. Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Аллоҳ мулкига айланади. Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда тайинлаган жиҳатга (масалан, талабалар, мусофирлар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига абадий бўлади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳада қилинмайди, мерос бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фикҳ уламоларининг фикрига кўра, вақф қилиш мустаҳаб амалдир. Ибн Умар розияллоху анхудан ривот қилинган ҳадисда:

“Ҳазрати Умар Хайбарда ерга эга бўлади. Сўнг Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб маслаҳат сўрайди: Эй Аллоҳнинг Расуули, мен Хайбардан ерга эга бўлдим. Ҳеч қачон ундан қимматлироқ бойликка эга бўлмаганман. Уни нима қилишга амр этасиз?” – деди.

“Агар хоҳласанг, аслини тутиб қолиб, (фойдасини) садақа қиласан”, – дедилар у зот (имом Бухорий).

Мазкур ҳадисга кўра уламолар “вақф молнинг аслини тутиб туриб, фойдасини Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун сарфлашга айтилади” – деганлар [1:4].

Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳада қилинмайди, меросга қўшиб тақсимланмайди.

Масалан ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона, кутубхона, мевали боғлар ва бошқалар мусулмонлар текин фойдаланишлари учун вақф қилиниши мумкин.

Вақф – шариатимизга кўра мустаҳаб бўлган ибодат эканига уламоларимиз иттифок қилганлар.

Вақфни жорий этилишидан кўзланган мақсад иккита:

1) Аллоҳга тақарруб (яқинлик) ҳосил қилиш. Яъни, савоб умидида хайрия қилиб, охиратга савоб жамғариш;

2) жамиятдаги муҳтож кишиларнинг оғирини енгил қилиб, уларга ёрдам беришни йўлга қўйиш.

Вақфнинг тўртта рукни бўлиб, улар:

- 1) вақф қилувчи шахс (вокиф);
- 2) вақф қилиш лафзи (сийға);
- 3) вақф қилинаётган мол (мавқуф);
- 4) вақф моли тасарруф этиладиган жиҳат (мавқуф алайҳи).

Ўз навбатида ушбу ҳар бир рукннинг дуруст бўлишида шартлари бор:

1. Вақф қилувчи шахс ҳур, болиғ, оқил, мулкка эга бўлган ва вақф қилишга мажбурланмаган бўлиши шарт.

2. Вақф қилишда вақфга очикдан очик далолат қилувчи лафзлар ишлатилиши шарт. Масалан, “вақф қилдим”, “Аллоҳ йўлига садақа қилдим” каби. Ёки вақф қилишга далолат қилувчи киноя сўз айтиш ёки ишора қилиш ва вақфни ният қилиш шарт.

3. Вақф қилинаётган нарса:

- қийматга эга бўлган,
- фойдаланиш мумкин бўлган (ҳаром бўлмаган) нарса бўлиши,
- вақф қилиш вақтида вақф қилувчининг мулкида бўлиши,
- вақф қилиш вақтида маълум бўлиши (ноаниқ бўлмаслиги) шарт.

Вақф қилинаётган мол нақд пул бўлиши ҳам, қўчмас мулк бўлиши ҳам, илмий китоблар, уй-рўзгор анжомлари ва ҳоказо бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, фойдаланиш билан тугаб қоладиган (масалан, таомга ўхшаш) нарсани вақф қилиб бўлмайди.

4. Вақфни тасарруф этиладиган жиҳат шариатда ҳаром қилинган (таъқиқланган) жиҳат бўлмаслиги шарт (масалан, тинчликни бузишга, уруш оловини ёқишга ўхшаш).

Вақф қилувчи вақфдан келадиган фойданинг ҳаммасини ёки баъзисини ўзига вақф қилиши мумкин. Бунда вафот этгандан кейин фойдаси фуқароларга бўлиши шарт билан. Бу Абу Юсуфнинг сўзлари бўлиб, “Фатавои Қозихон”да “бунда одамларни вақф қилишга тарғиб бордир” дейилган.

Ҳар бир соҳа каби вақф мулкчилиги ҳам ўз ҳужжат тизимига эга. Бош ҳужжат – вақфнома. Вақфнома – мулк эгалари ўз мол-мулкларини диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун берганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Вақфномада мулкнинг вақфга ўтказилиш сабаби, вақф қилинган мулкнинг таъриф-тавсифи (қандай мулк экани, жойлашган жойи, майдони, ўлчамлари, чегаралари), мулк эгасининг номи, вақф мулкларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари, вақф қилинган мулкнинг бошқарувчиси, гувоҳлар кўрсатилади. Вақфномага гувоҳлар шаҳодати (имзоси) ва қози тасдиғи керак бўлади. Бундан ташқари, вақф мулкчилигида яна иноятнома, ёрлик, “хукми қози”, баённома, васиқа, ривоят, тилхат, “хатти иқдор”, буйруқ, гувоҳнома, рухсатнома, ваколат каби ҳужжатлар ҳам юритилади.

Вақф маҳкамаси, яъни қорихона, масжид ёки мадраса мазкур мулкдан бевосита даромад ололмаслиги сабабли уни ижарага бериши мумкин бўлган. Лекин ижарачининг ушбу мулккаэғалик қилиб олмаслиги учун уни узоқ муддатга ижарага бериш тақиқланган. Бу билан, ижарачининг мазкур вақф мулкига эғалик қилиб олиши чекланган. Мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб вақф мулкни эгаллаб олишларига йўл қўйилмаган. Бу эса ўз навбатида мазкур мулкни талон-тарож қилинишидан сақлаган ҳамда вақф маҳкамаларини иқтисодий жиҳатдан сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Биз яшаб турган заминга Ислом дини кириб келиши билан исломий қадрият ва шиорлар ҳам кенг тарқала бошлаган. Сўзсиз улар орасида вақф ҳам жадал ривожланган.

Вақф ташкилотлари қадимда мусулмон мамлакатлари қатори ватанимизда ҳам хилма-хил ва сон-саноксиз бўлган. Мазкур муассасалар таъбир жоиз бўлса, ислом цивилизациясининг нечоғли олийжаноб ва ҳассослигини акс эттирувчи юзлаб рангда жилоланувчи инъикосидан бири эди.

Вақфлар жамият аъзоларини ижтимоий бирдамлик соябони остида жамлаб турган. Бойлар ва эҳтиёжмандлар ўртасидаги дўст-биродарлик тушунчасини мустаҳкамлаш учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.

Ўтмишда бадавлат мусулмонлар дунё ва охират яхшиликларини қўлга киритиш учун Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсонлар қилишда пешқадам бўлганлар. Вафотларидан сўнг ҳам қиёматга қадар савобидан баҳраманд бўлишлари учун ўз мулкларидан бир қисmini Аллоҳ йўлида вақф қилганлар. Зеро, вақф бу садақаи жориянинг бир туридир.

Вақфлар ижтимоий ҳимоянинг барча турини ўзида қамраб олган. Вақф шифохоналари, вақф мадрасалари, вақф карвонсаройлар, работлар, масжидлар, йўллар, кўприклар, эҳтиёж соҳибларини таом билан таъминловчи вақфлар, карздорларга ёрдам берувчи вақфлар, мусофирлар учун ажратилган вақфлар ва бошқа кўплаб йўналишда фаолият юритувчи вақф ташкилотлари бор эди.

Юртимиз тарихида илк вақфларнинг ташкил топиши Ўрта Осиёга Ислom дини кириб келиши билан боғлиқ. Юқорида таъкидлаганимиздек вақф исломий кадрият.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви берган маълумотларга кўра, Марказий давлат архивида тарихий даврга оид жами 910 та фонд, 445 158 йиғмажилдлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси алоҳида қимматли ҳужжатлар сирасига киритилган. Мазкур тарихий ҳужжатлар орасидан “Вақф ҳужжатлари коллекцияси” алоҳида қимматли ҳужжатлар сирасига киради. “Вақф ҳужжатлари коллекцияси” IX асрдан - XX аср бошигача бўлган давр оралиғидаги 1394 та ҳужжатни ўз ичига олади. Бу ноёб коллекция архив ҳужжатлари хатто шакли нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва уларнинг узунлиги 20 см дан 82 метргачани ташкил этади. Мазкур ҳужжатлардан ўтмиш ва ҳозирги тарихимизни ёритувчи муҳим манбалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган барча давлатлар жумладан: Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва айниқса Хоразмшоҳлар даврида вақф алоҳида мулк сифатида тасис этилиб, уларни дин пешволари ва уламолар тасарруф этган.

Манбаларда келтирилишича Ўрта Осиёдаги илк вақфлардан бири Исмоил Сомоний (х.й. 892-902) вақфияси номи билан машҳур бўлиб, у айрим ўзгаришлар билан XIX асргача фаолият юритган.

Мўғуллар босқини давридаги инқироз ва турғунликдан сўнг Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг Мовароуннаҳрни бирлаштириши натижасида барча соҳа қатори вақф мулкларига ҳам катта эътибор қаратилади.

Темурийлар даврида давлатнинг иқтисодий ҳаётида ер эғалиги асосий ўринни тутган бўлиб, бу даврда ҳам, аввалги даврларда бўлганидек, бутун XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: «мулки девоний» — давлат ерлари, «мулкий» — хусусий ерлар, «мулки вақф» — мадраса ва бошқа диний идоралар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган.

«Мулки вақф». XV асрда ҳам аввалги даврлардагидек катта ер майдонлари ва суғориш тармоқлари, шунингдек кўплаб дўкон, корхона, обижувоз, бозор, карвонсаройлар, масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мазорларга бириктирилиб, улар мулки вақф деб аталган. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда кўплаб масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва шифохоналар бино қилиниб, уларнинг барчаси вақф мулкига эга эди. Вақф мулкларидан тушган даромад масжид, мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, шунингдек мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифохоналарнинг кундалик харжлари (озик-овқат, ёқилғи ва ёриткичлари) учун сарф этилган. Бундай вақф мулкларини давлат раҳбари — султон, амирлар ва дин пешволари вақфнома орқали вақф қилишган.

Темурийлар даврида энг йирик саховатпеша мулкдорлардан бири бу шубҳасиз Хожа Аҳрор валийдир. Манбаларда келтирилишича Хожа Аҳрор валийнинг бугунги ҳисобда 1300 гектарга яқин ер-мулки бор бўлган. Бу мулклар 300 қўшга тенг бўлган. Тарихчи Мир Саййид Шариф Роқимийнинг “Тарихи Роқимий” рисоласида ёзишича “Хожа Аҳрорнинг вақф қилинган махсус ер майдони бўлиб ундан олинган ҳосилни бева-бечоралар ва муҳтожларга тарқатган.

Хожа Аҳрор Темурий шахзодаларга ёзган ўз мактубларида халқнинг ғамини ейиш, оддий инсонларнинг ҳолатини чиқариш каби хайрли ва савобли ишларга ундарди. Ана шундай инсоний фазилатлари туфайли Хожа Аҳрор “яхшилар кутби”, “шайхлар шайхи” каби сифатлар ҳамда “Аҳрор” (эркин кишиларнинг сардори), “Носируддин” (диннинг ёрдамчиси) лақаблари билан шуҳрат қозонган.

Амир Темур ва Темури ҳукмдорлар даврида вақф мулклари мутлақо дахлсиз ва бўлинмас бўлган. Шу сабаб улар асрлар оша мусулмонларга хизмат қилиб келган.

Гарчи Темурийлар давлати узоқ яшамаган бўлсада ундан кейинги асрларда ҳам Бухоро, Хива ҳамда Қўқон хонлик ва амирликлар даврида вақф мулклари фаолияти давом этган. Ҳаттоки, амирлик ва хонликлар даврида амирлар ва бойлар ўз ҳисобидан ижтимоий аҳамитга эга йирик бинолар, масжидлар, мадрасалар ва сув иншоотлари қурдириб уларни вақф қилишган.

XVI аср бошида шайбонийлар ҳокимият тепасига келиши билан темурийлар томонидан қўллаб-қувватлаб келинган бир қанча вақф мулклари тортиб олинган. Шайбонийхон ўз навбатида босқинчилик, талончилик урушлари натижасида тўпланган бойликлари ҳисобига мадраса қуришни 1501 йилдан кейин бошлаган. Лекин 1510 йилда у шоҳ Исмоил томонидан ўлдирилиши туфайли қурилишни ўғли Муҳаммад Темур Султон давом эттирган. Аммо у ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўшинларига қарши курашда ҳалок бўлади. Тарихий ҳужжатларга кўра, шайбонийлар томонидан Самарқандда, асосан, 2 та йирик мадраса қурилган. Лекин шимолий мадраса XIX асрнинг бошларидаёқ йўқ бўлиб кетганди. Вақф ҳужжатида таъкидланишича, олинган даромад, аввало, мадраса ва ундаги ётоқхонани таъмирлаш, талаба ва ўқувчиларга нафақа ҳамда хизмат ҳақлари бериш учун сарф этилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Меҳр Султон хоним томонидан бир қанча ер, дўкон ва савдо расталари мадрасалар учун вақф этилган, жумладан:

1. Шовдар туманининг Могуин қишлоғи,
2. Кешдаги Ҳисорак қишлоғи,
3. Наҳри Минглик Хўжа қишлоғи,
4. Кешдаги Сиёҳоб ва Манғужар қишлоқларининг 17 қисм ери,

5. Насаф вилоятининг Губдин қишлоғи,
6. Самарқанд яқинидаги Анҳори жадид туманидаги Қўктош номли жойлар.

Бундан ташқари, Меҳр Султон хоним томонидан Шовдар туманидаги ерлар, тегирмон ҳамда турар жойлар, сув иншоотлари юқоридаги иккита мадраса учун вақф қилинганди. Вақф мулкларининг 144 таси бир ерда, қолган 14 таси эса турли ерларда жойлашганди. Номлари келтирилган ерларнинг кўпчилиги қисми яйловлардан иборат бўлиб, улар жамоа мулки эмасди. Вақф ерларида эса бозорлар, тегирмонлар, ҳаммомлар билан 41 та дўкон ҳам мадрасаларнинг мулки эканлиги кўрсатилган. Чунончи, Шайбонийхон томонидан ўзининг пойтахти деб эълон қилинган Самарқанд ва унинг атрофидаги 36 та дўкон ҳамда савдо расталари, бозорлар ҳам бор эдики, булар мадраса учун катта даромад манбаи ҳисобланарди.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг маълумотига кўра, XX асрнинг бошларига келиб, Бухорода мадрасалар сони 400 га яқин бўлган. Мадрасалар асосан хон, амалдор, бадавлат кишилар ва зиёли шахсларнинг ташаббуси билан барпо этилиб вақф қилинган, номи ўша шахслар исми, баъзан мадраса жойлашган маҳалла, гузар номи билан аталган.

Мир Араб мадрасаси 1530-1536 йилларда Бухоро хони, мумтоз шоир Убайдуллахон (1510-1539/40 йилларда ҳукмронлик қилган) инъом этган маблағ ҳамда кўплаб вақф мулклари ҳисобига Шайх Абдуллоҳ (Мири Араб) қурдирган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган И-323-жамғармадаги вақф ҳужжатида ҳам 1527 йил мадраса учун ажратилган кўп сонли деҳқончилик ер майдонлари, бутун қишлоқлар ва бошқа мол-мулклар бирма-бир санаб берилган.

Самарқанддаги Тиллақори ва Шердор мадрасалари вақф ҳужжатларининг асл нусхалари ўзаро урушлар натижасида йўқолган, 1814 йилда амир Хайдар томонидан қайта тикланган. Хонликлар даврида ушбу мадрасаларнинг 11.610 таноб ери ҳамда 8 та савдо растаси бўлиб, йиллик даромад 38 минг тангани ташкил қилган.

Тиллақори мадрасасидаги 60 та ҳужрада 120 та талаба таълим олган бўлса, Шердор

мадрасасидаги 53 та ҳужрада 110 та талаба таҳсил кўрган. Булар вақф даромадлари ҳисобига таъминлаб турилган.

1868 йилдаги маълумотга кўра, Самарқанддаги қолган 16 та мадраса ихтиёрида 328 та савдо растаси, 4 та карвонсарой, 6 та тегирмон, 160 та савдо растасининг ўрни, 13,383 таноб ер майдони бўлиб, булардан 31.023 танга ёки 6240 сўм даромад олинади. Шунингдек, Самарқанддаги 44 та масжиднинг вақф мулкидан олган даромади 13.578 сўмни ташкил этган, масжид ва мадрасаларнинг умумий вақф даромади 82,777 танга ёки 16.555 сўмга тенг эди. 3 Тошкентдаги Бароқхон мадрасасининг икки қаватли карвонсаройи ва 14 та савдо растаси бўлиб, бундан йилига 1400 сўм даромад оларди. Кўкалдош мадрасаси ўз мулкидан 150,000 танга фойда олган, шунинг 28,000 тангаси мударрисларга, 74,000 сўм эса 148 та ҳужрани таъминлаш учун, 1,000 танга кутубхонага, 10,000 танга эса имом, муаззин ва фаррошга берилган, мутавалли 34,000 танга олган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Бухоро амирлигида мадрасаларнинг молиявий харажатлари асосан вақф даромади ҳамда давлат хазинасидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобига қопланган, ҳар бир мадрасанинг ўз вақф мулки ва вақфнома ҳужжати бўлган. Вақфномада мадрасанинг чикими, ундаги хизматчилар: мутавалли, мударрис, ҳофиз, мухри, нақиб, фаррош, ошпаз ва бошқалар, шунингдек, талабалар сони, уларга берилган маош ва нафақалар аниқ кўрсатилган. Ҳар бир мадрасанинг хон томонидан тайинланган ўз мутаваллиси бўлган. Мутавалли ходим ва талабаларга тўланадиган ҳақ, вақф ерларида ишни ташкил этиш, мардикорлар ёллаш, ижарачилар ва ҳиссадорлар билан шартнома тузиш, дўконлар, тегирмонлар ва мадрасанинг вақф мулкига кирувчи бошқа объектлардан ижара ҳақини ундириш ва ундан бошқа ишларга масъул бўлган. Шунингдек, мадраса хизматчилари, мударрислари ва талабаларга бериладиган йиллик маош миқдори нақд пул ва озуқалик дон ҳисобидан ажратилган.

Қўқон хонлигида ҳам вақф мулклари таълим, илм-фан, тиббий хизмат, масжид ва мазорлар фаолияти учун асосий молиявий манба ҳисобланган. Вақф мулклари орқали

оддий аҳоли бепул таълим олиш, даволаниш ва масжидларда ибодат қилиш имкоиниятига эга бўлган.

Қўқон хонлигида вақфномалар ҳам ўзига хос бўлган. Жумладан вақфномада вақф қилинган мулклар рўйхати, унинг нима мақсадда ташкил этилганлиги, мазкур мулкнинг жойлашган ўрни, мутаввали, яъни уни назорат қилувчи шахсни тайинлаш тартиби, гувоҳларнинг исми-шарифи, ҳужжат имзоланган кун, ой ва йил аниқ кўрсатилиши керак бўлган. Вақф ҳужжатининг охирида босилган муҳр Вақфноманинг ҳақиқий эканлигидан далолат берган. Вақфномаларда юқоридагилар билан бирга мазкур мулкдан олинган даромаднинг қанча қисми вақф маҳкамасига, яъни мактаб, қорихона, мадраса ёки масжидга тегишли эканлиги, шунингдек, мутаввали, қори, имом, муаззин, қоровул, сартарош ҳамда фаррошларга тегишли бўлган қисми ҳам аниқ кўрсатилган. Фикримизнинг далили сифатида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида мавжуд бўлган мадраса ва масжид вақф ҳужжатини келтириш мумкин. Ушбу вақф ҳужжати 1849 йилга тегишли бўлиб, у Қўқон хони Худоёрхон томонидан ҳам тасдиқланган [Ўз.РМДА: 19'-фонд, 1-руйхат, 34882-иш, 1-варақ].

Вақфнома Аллоҳ номига мактов ва шукроналар билан бошланади. Шундан кейин кучсизлар ва камбағаллар ғамхўри Омон Баҳодир ўғли Холмат Додхоҳнинг савоб иш қилганлиги таъкидланади, яъни ўз шахсий жамғармасидан масжид ва мадраса қурганлиги маълум қилинади. Вақф ҳужжатида масжид аҳли фуқаро беш маҳал ҳамда байрам кунлари намоз ўқиши учун қурилганлиги аниқ ва равшан баён этилган. Шу билан бирга, вақф ҳужжатида мадраса ва масжидга тегишли бўлган вақф мулклари ҳам кўрсатилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Янгиқўрғон марказидаги бозор ваундаги гўшт, сут ҳамда турли хилдаги савдо расталари, ҳайвон бозори - ҳаммаси, тахминан, 1 танобга тенг эканлиги айtilган.

2. Атрофи ўраб қўйилган 30 таноб ернинг Фармон кўчасида жойлашганлиги. Жанубдан Бобожон Каримбой ўғли ери, Боқи Сўфи ҳамда Муҳаммад Розик Каримбой ўғлининг бедапояси билан чегараланганлиги вақф ҳужжатида кўрсатилган.

Холмат Додхоҳ вақф даромадлари биринчи навбатда мадраса ва масжид бинолари таъмирланиши; мадраса ва масжид хоналаригасолиш учун матолар, ёритиш воситалари олиниши лозимлигини, қолган маблағни эса ўн қисмга бўлиб, уни мутававали, имом, муаззин, мударрис ва муллаларга берилиши лозимлигини кўрсатиб ўтган. Юқорида номлари зикр этилган шахслардан ўз бурчларини виждонан бажарилишини ҳам талаб этади. Вақфномалар ўроғлик қоғоз ёки китоб шаклида тузилган. Бизгача вақфномалар асл нусха ва кўчирма нусха ҳолида етиб келган.

Бундан ташқари, хонликлар даврида вақфнинг «Вақфи Дохияк» деб аталган тури ҳам мавжуд эди. Вақфнинг ушбу тури, асосан, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган. Олинган даромадлар асосан мадраса талабалари, зиёлилар ёки азиз авлиёларнинг авлодлари ҳамда мақбаралар учун таъсис этилган.

Шундай мулклардан бири Амир Темур масжид ва мақбарасини таъминлаб туриш мақсадида ташкил этилган. Ушбу вақф мулкининг ташкил этилганига 1869 йилдаги маълумотга кўра 500 йил тўлган. 1784 йилдаги иноятномага асосан ушбу мақбаранинг тахминан 300 таноб ери мавжудлиги ва мазкур ердан 900 танга (кўкан) ижара ҳақи олинганлиги кўрсатилган бўлса, бошқа бир маълумотга кўра Амир Темур мақбараси вақф мулкидан 1250 танга даромад олинганлиги ҳамда «хирож» ва «таноб» солиғи тўлангани маълум қилинади.

Хонликлар даврида пул вақф этиш ҳам кенг авж олган. Пул вақф этилганда ҳам мутававалилар ҳужжатда кўрсатилган шартга мувофиқ равишда ундан фойдаланганлар. Вақф этилган пул, аввало, мактаб, масжид, мадраса ва у ердаги талабалар ҳамда таҳоратхона ва мақбараларни таъмирлаш ҳамда хизматчилар учун сарфланган.

Архив ҳужжатларида қайд қилинишича, 1884 йилги қайдномада Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган вақфли масжидлар 125 тани ташкил этган.

Кўкон хонлигида масжидларнинг вақфлари аввало масжид қурувчиси, қолаверса, ҳокимлар ва ўзига тўқ кишилар томонидан ажратилган. Катта мол-мулкка эга бўлмаган ўртаҳол кишилар ҳам кичикроқ маблағ эвазига дўконга

эга бўлиб, бирор бир масжидга вақф қила олган.

Ўқтамбек Султонов “Тошкент масжидлари тарихи” рисоласидаги тадқиқотларида масжидларнинг ўз вақф мулклари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Унда келтирилишича, Говкуш (Говкушон) маҳалласидаги масжидга Мирходи Мирболта ўғли Раста бозорида бир дўкон вақф қилган.

Куйи Дегрез маҳалласидаги Саидазимбой Муҳаммадибой ўғли ўзи қурдирган масжидга бошқа бир саройи даромадидан масжидга йилда 25 тилла вақф қилган. Шундан кундалик имом 10 тилла, жума намози имоми 5 тилла, муаззин 5 тилла, қолган 5 тилла масжид эҳтиёжига сарфланган.

Шаҳарнинг марказий масжидларидан ҳисобланган “Ҳожа Аҳрор” жоме масжиди эса 1884 йилда масжид атрофи ва бозор ичида 102 та дўкондан йилига 120 сўм, масжид яқинидаги Солиҳбек додхоҳ авлодларига қарашли бир саройдан йилига 120 сўм, жами 240 сўм вақф даромади ҳисобига фаолият кўрсатган.

Бу албатта масжидларнинг барқарор ишлаб туриши, улар қошида фаолият юритган мадраса, кироатхоналар мударрис ва талабаларининг таъминоти, қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиб туриш учун шариатнинг мукамал ва савоби улуг тизимидир. Бошқа жиҳатдан эса, илм аҳлига, Қуръон аҳлига ҳомийликдир. Токи илм талаб қилгувчи, Аллоҳнинг байтини хизматини қилувчи кишилар турмушида муҳтожлик сезиб, бошқа ишларга чалғимасин.

Мусулмонкул ҳукмронлиги йилларида кўпчилик қипчоқ аслзодалари катта-катта ерларга эга бўлганлари сабабидан уларнинг маълум бир қисмини диний хайрия ва ўқув муассасаларига вақф этганлар, Мусулмонкулнинг ўзи ҳам Андижон вилоятининг Абушкақишлоғидаги мадрасаучун хижрий 1261- 1263 ва 1269 йилларда бир қатор мулкларни вақф этган, мадрасанинг Найман қишлоғидаги ерларини солиқлардан озод қилган.

Мана шу анъана Умархон ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди. У томонидан Кўкон шаҳрида кўзи ожизлар учун мулк вақф қилинади. Мазкур мулк иккита карвонсоройдан иборат бўлиб, унинг биринчиси йилига 3000 танга даромад келтирган иккинчи вақф

мулкидан 2000 танга фойда олинарди. Ушбу вақф маҳкамасида 80 та кўзи ожиз истикомат қилган. Улар Куръонни ёд олиш билан машғул эдилар. Ўз навбатида улар олган билимларига караб уч тоифага бўлинарди. Биринчи тоифа «олий» ҳисобланиб бунга кирган 40 та кўзи ожизнинг ҳар бирига 200 танга, иккинчи тоифа «ўрта» ҳисобланиб 25 кишининг ҳар бирига 100 тангадан ва ниҳоят қолган 15 та «паст» тоифага мансуб бўлган кўзи ожизга вақф даромадидан 50 танга ажратилганди. Албатта маҳаллий халқ хайр-эҳсони бу ҳисобга кирмаган.

Худоёрхон томонидан 1850-1851 йилларда Қўқонда 1000 талабага мўлжалланган «Мадрасаи олий» қурилган. Унинг укаси Марғилон ҳокими Султонмуродбек 1873-1874 йилларда «Мадрасаи олий» қаршисида икки қаватли мадраса қурдирган. Бундан ташқари, Султонмуродбек ўз ота-боболари макбараси олдида иккинчи бир вақф мулкани ташкил этган. Унда бунёд этилган қорихонада юзлаб кишилар Куръон ўқиш билан машғул эдилар. Ўз навбатида ушбу маҳкамаларнинг бир қатор вақф мулклари бўлиб, булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Қўқон шаҳри бозоридаги каттакон сарой ва бир қанча савдо расталари.
2. Қуванинг Чаукон ва Султонобод қишлоқларидаги ерлар.
3. Қўқоннинг Идрусулбек маҳалласидаги ер ва иккита боғ.
4. Қўқон яқинидаги Курбон Мерган қишлоғидаги шоли экиладиган 1436 газер.
5. Навбаҳор қишлоғидаги шоли экиладиган ер.
6. Қўқон бозоридаги кичкина сарой.
7. Қўплаб савдо расталари ва алоҳида хоналар.

XIX асрнинг 60-йилларига келиб Наманганнинг йирик шайхларидан бири бўлган Меҳмонхон тўра шаҳарда мадраса қуриб, унга бир қатор мулкларни вақф этган бўлса, ушбу мадрасага 1858-1859 йилларда Муллабой, 1861-1862 йилларда Исобой, 1866-1867 йилларда мулла Муҳаммад Расул халифа, 1873-1874 йилларда Бобо Муҳаммад Оғалиқ ўз мулкларини вақф этганлар.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёга бостириб келиши билан амирлик ва хонликлардаги вақфлар бирин-кетин тугатилиб масжид ва

мадрасалар бузиб ташланди. Омон қолганлари ҳам вайрона ҳолатга келтирилди.

Афсуски минг йиллар давомида оддий халқнинг таълим, илм-фан ва ижтимоий ҳаётига асос бўлган, камбағал, бева бечора ва етимларнинг нажоти саналган ВАҚФ мулклари шўролар даврида ҳам зўрлик билан тортиб олинди. Дин пешволари, уламолар ва мударрисларнинг кўпчилик қисми эса халқ душмани сифатида қатағон қилинди. Вақфдек улуғ қадрият эса ўтган аср давомида халқимизнинг онгидан ҳам ўчирилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сўнги йиллардаги ислохотлар диний-маърифий соҳада ҳам ўз аксини топмоқда.

Эътиқод эркинлиги, диний бағрикенлик ва исломий қадриятларнинг қайта жонланаётганлигини бутун дунё эътироф этмоқда.

Ана шу шундай хайрли ишлардан бири вақфнинг юртимизда қайта тикланишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармони бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Фонд 10 май куни Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Фонднинг бош мақсади: Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилат ва қадриятларни давом эттиришга кўмаклашишдир.

Фонднинг асосий вазифалари сифатида масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари,

мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга кўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш келтириб ўтилган.

1) фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний кадриятларимизни асраб-авайлаш;

2) масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

3) тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш;

4) диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

5) масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

6) ислом илм-фани ва маданияти ривожига ўлкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга кўмаклашиш;

7) юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш;

8) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Фонднинг маблағлари 3 қисмга бўлинади:

1. Хайрия бўлими
2. Вақф бўлими
3. Закот, ушр, фитр ва фидя бўлими.

Ҳозирги кунда 3 та бўлимнинг ҳам банкларда алоҳида ҳисоб рақамлари мавжуд. Масалан, бир киши закот учун фондга маблағ ўтказса, ушбу маблағ закот бўлимига тушади ва шариатда айтилган ўринларга сарф қилинади. Умумий қилиб айтганда фонд фақатгина вақф мулкидан иборат эмас.

Ҳозирги вақтда фонд хайрия маблағларни одамлар қийинчиликсиз ўтказишлари учун электрон тўлов тизимларига уланган. Жумладан, Click, Payme, Oson ва бошқа тизимлари орқали «Вақф» фондига пул ўтказиш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистондаги барча банк инфокиоскалар орқали фондга хайрия қилиш имконияти бор. Улардан фонднинг исталган бўлимига нақд ёки пластик карта орқали пул ўтказиш мумкин.

Бундан ташқари фонд томонидан 10 та хайрия акциялари ҳам жорий этилган:

1. "Китоб" акцияси.
2. "Илмга Кўмак" акцияси.
3. "Масжид" акцияси.
4. "Малҳам" акцияси.
5. "Тўйлар" акцияси.
6. "Рўзгор" акцияси.
7. "Эҳтиёжмандларга кўмак" акцияси.
8. "ҲАСАНА" лойиҳаси.
9. "Обод хонадон" акцияси.
10. "ВАҚФ мулклари" акцияси.

Мазкур акциялар доирасида ўтган давр мобайнида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда олиб борилаётган сўнги йиллардаги ислохотлар натижасида жамият, халқ ва фуқаролар фаровонлиги, миллий, диний кадриятларнинг қайта тикланиши ҳамда уларни асраб авайлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Натижада, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган жонажон ватанимизда Ислом кадриятлари ҳам қайта жонланди. Вақф фондининг ташкил этилиши сўзимизнинг ёрқин мисоли.

Аммо, ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Зеро вақф мулкчилиги қадим даврлардан бери мусулмон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган, чунки вақф тизими мамлакат молия манбаларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшган.

Вақф мулклари хусусий мулкчилик шаклидан чиқади. Шу билан бирга, давлатга ҳам тегишли ҳисобланмайди. Вақфларни жамиятнинг маълум эҳтиёжларини қондирадиган жамоа мулки дейиш мумкин.

Зотан, вақф қилишдан ҳам мақсад Аллоҳ таолонинг розилигини истаб, бошқаларга манфаат етказадиган хайрли лойиҳа қилишдир.

Вақф тизимининг инсон ва жамият тараққиётини таъминлашдаги ўрнига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1) вақф ҳам закот каби бойликлар тақсмоти ва уларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилади;

2) соғлиқни сақлаш, инфратузилма – шаҳарсозлик, таълим тизими ривожига киритилган вақф кўринишидаги беминнат сармоялар, давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга ажратилаётган қисмининг муайян даражада ўрнини қоплайди ва шу орқали давлат харажатларининг бир қисмини ўзига олади (давлат бюджетидан тежаб қолинган маблағларни эса иқтисодиётнинг бошқа соҳаларга йўналтириш имконияти пайдо бўлади);

3) мамлакат инфратузилмасининг яхшиланиши иқтисодиёт ўсиш суръатларининг тезлашишига ва барқарор иқтисодиётга эришишга ёрдам беради;

4) мамлакат фуқаролари (ва ҳатто бошқа юртлардан келган қийналиб қолган мусофирлар)нинг давлат ва юртнинг бадавлат кишиларидан (уларнинг вақф учун ажратган бойликлари сабабли) розилиги сабаб жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва умумий муҳит яхшиланади;

5) вақфнинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси мамлакат фуқаролари учун имкон қадар тенг имкониятлар яратишга ёрдам беради, тенг имкониятлар эса ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Бироқ собиқ иттифоқ даврида ҳам истеъмолда, ҳам қонунчиликда батамом йўқ

бўлиб кетган қадрият – мулкчилик тизимини қайта жонлантириш учун қонунчилигимизга ҳам янгилик сифатида вақф мулкчилигини жорий этишимиз зарурат бўлиб турибди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
2. «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1924 йил, 11 декабр
3. Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклари тарихи – Наманган: «Наманган» нашриёти, 2005.
4. Исмазова Н.А. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигидаги вақф мулклари (ЎзР МДА жамғармалари мисолида). – Тошкент, 2010.
5. Султонов Ў.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI-XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида): тарих ф.д. ... дисс. авторефер. – Тошкент, 2016.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзРМДА). И-323-фонд
7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. 72 йилга жилд
8. Якубов Қ.К. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили) 2018.
9. <http://archive.uz>